

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 868-ҳадис

868 - عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ فِي الْمَسْجِدِ يَوْمًا وَعُصْبَةٌ مِنَ النِّسَاءِ فَعُوذُ، فَأَلْوَى بِيَدِهِ بِالتَّسْلِيمِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2697].

وَهَذَا مَحْمُولٌ عَلَى أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَمَعَ بَيْنَ اللَّفْظِ وَالْإِشَارَةِ، وَيُؤَيِّدُهُ: أَنَّ فِي رِوَايَةِ أَبِي دَاوُدَ: «فَسَلَّمَ عَلَيْنَا» [5204].

868. Асмо бинти Язид розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

Имом Термизий ривоят қилиб, уни ҳасан ҳадис, дедилар.

Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам лафз билан ишорани жамладилар. Абу Довуддан қилинган ривоятдаги «Бизга салом бердилар» сўзи буни қувватлайди.

Шарҳ: Узоқдаги кишиларга ишора ва лафз ила салом айтиш жоиз. Лекин ишорани ўзи билан кифояланиш макруҳдир. Бундай қилишдан бошқа бир ҳадисда ман қилинган. Чунки бундай қилиш мусулмон бўлмаганлар одатларидир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фитнадан омонда бўлганлари учун аёлларга салом бердилар. Кимда-ким фитнадан омонда бўлишга кўзи етса, демак у киши аёлларга салом бериши жоиз. Лекин ўзига ишонмаса салом бермагани афзал.

Имом Нававий айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фитнадан омонда бўлганлари учун аёлларга салом берганлар. Кимда-ким фитнадан омонда бўлишига кўзи етса, унинг ҳам аёлларга салом бериши жоиз. Лекин ўзига ишонмаса, салом бермагани афзал. Шунингдек, фитна хавфи бўлмаса, аёлнинг эркак кишига салом бериши ҳам жоиз». Шу боис, кампирларга, бир жамоа аёлларга салом беришда танглик бўлмайди, чунки бунда фитнанинг хавфи йўқ. Аммо ёлғиз кетаётган ёш аёлга номаҳрам кишининг салом бериши дуруст эмас.

Демак, номаҳрам эркак ва аёлларнинг саломлашишидаги асосий шарт фитна келиб чиқиш хавфи бўлмаслиги экан. Бу ерда фитна деганда аввало эркак ёки аёлда шахвоний майлнинг уйғониши, улардан бирида бирор ёмон хаёлнинг пайдо бўлиши назарда тутилади. Эркак киши бегона аёлга салом берганда агар ўзида ёки салом берилган аёлда майл уйғонишидан ёки унинг нотўғри гумонга боришидан қўрқса, салом бермайди. Шунингдек, аёл киши ҳам бегона эркакка салом беришда ушбу эҳтиёткорликни ушлаши лозим. Шу боис, уламолар ёш қизлар номаҳрамларга салом бермаслиги керак, дейишган.

Шу билан бирга, эркак киши бегона аёлга салом берганида унинг эри ёки маҳрамларининг рашк қилишини ёки ёмон гумонга боришини билса, салом бермайди. Аёл киши ҳам агар бегона эркакка салом бериши ёки алик олишидан эри рашк қилишини билса, салом бермаслиги ва алик олмаслиги лозим. Шунингдек, агар аёл кишига бирор бегона эркак шахвоний майл турткиси билан салом берса, аёл алик олмайди, бунда унга гуноҳ йўқ. Худди шунингдек, эркак ҳам бегона аёлнинг ана шундай саломига алик олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, бу борада ҳар бир эркагу аёл эҳтиёткор бўлиши, одоб ва ҳаё асосида иш кўриши лозим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳар бир диннинг ўз ахлоқи бор. Ислоннинг ахлоқи ҳаёдир», деганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI